Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма халқларнинг бахт-саодати учун мард курашчи улуғ совет халқига шон-шарафлар!

(КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақириқларидан).

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТ КАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-йил чиқиши

№ 72 (2363),

12 АПРЕЛЬ ЖУМА 1963 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

БУГУН — КОСМОНАВТИКА КУНИ

Рассом В. Винторов ишлаган плакат (ИЗОГИЗ).

Ажойиб космик кемаларнинг яратувчилари бўлган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар!

(КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақириқларидан).

СОВЕТ РАССОМЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет рассомлари иккинчи Бутуниттифоқ съездининг делегатларини қизғин табриклайди.

Сизнинг съездингиз мамлакатимизнинг ҳаёти ижодий ғайрат, илҳомбахш меҳнат ва қизғин кураш билан тўлиб-тошган ажойиб бир пайтда тўпланди. Совет халқи меҳнаткашларнинг асрлар бўйи орзу қилиб келган тилагини жаҳонда биринчи бўлиб рўёбга чиқармоқда — ер юзида энг адолатли, энг гўзал жамиятни — коммунистик жамиятни барпо қилмоқда. Биз коммунизм учун кураш олиб бормоқдамиз. Бу курашда совет кишиларини коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу — ҳозирги пайтда идеология соҳасидаги ишнинг энг асосий вазифасидир. Партия коммунизм йўлидаги буюк умумхалқ юришига етакчилик қилиб, ғоявий қуролимизнинг барча турларини, шу жумладан, коммунистик тарбиянинг тасвирий санъат каби муҳим воситасини ҳам жанговар ҳолда саклаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети мамнуният билан шуни қайд қиладики, совет санъати умуман тўғри йўлдан ривожланиб бормоқда ва ўз вазифаларини муваффақиятли бажармоқда. Совет рассомлари замонамиз темаларига актив мурожаат қилиб, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси халқ қаётига олиб келган янги, чинакам коммунистик нарсаларни ёркин кўрсата бошладилар. Партиянинг тарихий XX съезидидан кейин ва хусусан ҳозирги пайтда, КПСС Программасини — коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга оширишни учун кураш олиб борилаётган даврда совет бадиий интеллигенцияси барча отрядларининг ижодий активлиги ўсди. Совет Иттифоқидаги қардош халклар бадиий маданиятларининг интернационал бирлиги ва ўзаро таъсири мустаҳкамланмоқда. Барча совет республикаларининг тасвирий санъати усталари қаторига талантли ёшларнинг катта бир отряди келиб қўшилди.

Шахсга сиғиниш оқибатларининг тугатилиши, партия ва жамоат ҳаётида ленинча нормаларнинг тикланиши социалистик демократиянинг ривожлана бораётганлиги бадиий ижоднинг янада равнақ топиши учун энг қулай шарт-шароит вужудга келтирилишини таъминлади.

Коммунистик идеалларни қарор топтириш учун, абстракционизмга, формализмга ва вульгарлаштиришга карши курашда чиниққан социалистик реализм методи совет тасвирий санъати арбоблари учун мустаҳкам компасдир. Социалистик реализм воқеликни бадиий тасвирлашнинг илғор, энг революцион методи билан тасвирий санъат арбобларини қуроллантириб, ҳар бир рассом олдида ўз ижодий индивидуаллиги ва талантининг энг яхши томонларини ривожлантириш учун барча имкониятларни очиб беради.

Ҳаётни тасвирлашда дадил новаторлик, янгиликни излаш — социалистик реализм табиатига хосдир. Агар рассом жаҳон маданиятининг прогрессив традицияларинд — турмушни чуқур, дадил, реалистик ҳаққоният билан акс эттиришдан, коммунизм ишига хизмат килаётган хамма нарсани куйлашдан иборат! Социалистик хаётимиз хакикати — рассом илхомининг манбаидир.

Коммунизм қурувчилари сафида бўлиш, ўз таланти билан халкка, ленинчи партиямизнинг улуғ ишига хизмат килиш, коммунизм душманларига қақшаткич зарба бериш совет рассомининг олий бурчидир. Коммунистик партиявийлик позицияларида турган, халқ манфаатлари билан яшаётган рассомгина ҳаётни бадиий юксак формада ҳаққоний акс эттирадиган, миллионларча совет кишиларига тушунарли ва яқин бўлган реалистик асарлар яратa олади.

Ленинизм санъат ходисаларига синфий нуқтаи назардан қарашни, партиявийлик ва халқчиллик принципларини карор топтиради, социалистик идеология билан буржуа идеологиясининг тинч-тотув яшашига кескин суратда карши чиқади. Совет санъатида социалистик реализм ҳам, формалистик, абстракционистик оқимлар ҳам бирга тинч яшай олади, деб ўйлайдиган киши идеология соҳасида тинч-тотув яшашни кўзда тутган ёт позиция гирдобига мукаррар тушиб қолади.

Бизнинг партиямиз тасвирий санъатда формализмга карши, абстракцион бузиншларга карши, натурализмга карши, суюқ, примитив, бемаза, хом асарларга, мазмуни қашшоқ ва формаси заиф асарларга қарши ошкора ва шафқатсиз курашиб келди ва бундан буён ҳам кураша беради. Кишиларни бадбуруш қилиб акс эттирадиган, воқеликни бузиб тасвирлайдиган асарлар совет санъатига ётдир. Биз бундай ходисаларни ошкора суратда ва ҳеч муросасиз қораламоқдамиз ва қоралай берамиз.

Марказий Комитет мамнуният билан шуни қайд қиладики, ижодий ходимлар, бутун совет халқи ва чет элларидаги дўстларимиз партиянинг санъат масалаларидаги позициясини қизғин қўллаб-қувватладилар. Мамлакатимизнинг ижодкор кучлари носоғлом ходисаларга, формалистик тенденцияларга қарши, формалистик, абстракционистик лўттибозликларни санъатимиздаги «янгилик» деб эълон қилиш йўлидаги уринишларга карши, халк томонидан ҳаққоний рад этилган ўтмишдаги модернистик оқимларга берилган баҳони қайтадан кўриб чиқиш йўлидаги уринишларга қарши қатъий кураш олиб бордилар. Ўтмишнинг модернистик оқимлари санъатнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг ғоявийлигини рад қилган эди.

Совет маданияти арбоблари партиянинг ленинча сиёсатини, партиянинг санъатга раҳбарлигини ўз интилишларининг тимсоли мужассами деб, ўз ижодий меҳнатларининг қудратли ғоявий манбаи деб биладилар. Партиянинг мақсади — ҳар бир рассомнинг қалбида халқ учун, коммунизм учун ижод қилишга бўлган қатъиятни ошириш ва мустаҳкамлашдан, янги дунёнинг улуғворлиги ва гўзаллигини очиб берувчи юксак фикр ва туйғулар санъатини яратишдан иборат. Партия совет санъати арбобларини гражданларга хос юксак жавобгарлик руҳида, коммунизм идеаларига садоқат руҳида тарбиялашни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

СССР Рассомлар союзи совет санъатининг коммунистик ғоявийлиги учун курашмоғи лозим. Рассомлар союзи тасвирий санъат арбобларини партиявийлик ва халқчилликнинг принципиал позицияларида жипслаштириб ва бирлаштириб, тушкун буржуа санъати ҳамда санъатшунослигига карши олиб борилаётган актив хужумкор курашга бошчилик қилмоғи лозим.

Ижодкор ёшларни ғоявий жиҳатдан қуроллантириш, уларнинг маънавий қиёфаси ва профессионал маҳорати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Рассомлар союзининг муҳим вазифасидир. Ёш талантларга талабчанлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш зарур.

Рассомлар союзи ёзувчилар, архитекторлар, композиторлар, театр ва кино ходимлари билан ижодий алоқаларни бутун чоралар билан мустаҳкамлаши ва кун сайин ривожлантириб бориши керак. Адабиёт ва санъат ижодкор кучларининг бирлиги — маданиятимизни тараққий эттиришнинг самарали йўлидир.

Рассомлар ҳаваскорлар ижоди билан профессионал ижодни бирга кўшиб олиб бориш асосида совет жамияти санъат хазинасининг янада ривожланиб, бойиб боришига эришилажагини эсда тутиб, оммавий бадиий ҳаваскорликни оғишмай юксалтиришга ёрдам беришлари керак. Бадиий ижоднинг энг оммавий турлари ва соҳаларини кескин суратда юксалтириш ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Рассомлар саноат, турмуш эстетикаси соҳасида, шаҳарларимизни, кишлокларимизни, уй-жойларни безаш сохасида катта иш қилишлари лозим. Чин гўзаллик совет кишиларининг ҳаётидан кун сайин жой олиши, меҳнатга руҳлантириши, хаётимизни янада қувончли ҳаётга айлантириши керак.

Қадрли ўртоқлар!

Гўзал ва кучли қурол, санъат қуроли сизнинг қўлингиздадир. Бу қурол доим халқ манфаатлари йўлида, халкнинг бахт-саодати учун хизмат килиши керак.

Партия кўп миллатли совет тасвирий санъати арбобларини янги бадиий ишларга, ғоявийлик ва махоратни ошириш йўлидаги курашда юксак чўккиларга кўтаришга, санъатнинг халк турмуши билан махкам алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга даъват этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети катъий ишонч билдириб айтадики, совет рассомлари ўз талантларининг бутун кучини давримизнинг улуғворлиги ва гўзаллигини хаккониий, ёркин ва баланд руҳ билан акс эттирувчи асарларни яратишга сарфлайдилар, коммунистик қурилишнинг умумхалк ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Улкан химия иншоати

КОТЛАС ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ КОМБИНАТИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТ ҚИСМИ ҚУРИЛИБ БЎЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Котлас целлюлоза-қоғоз комбинатининг қурувчилари ва монтажчиларини натта меҳнат ғалабаси билан — шу корхонанинг биринчи навбат қисми қуриб битказилганлиги ва ишга туширилганлиги билан самимий табрикладилар. Мамлакатимиз улкан химиясини ривожлантириш ишига янги катта ҳисса қўшилди.

Шу нарсани таъкидлаш билан хурсандмизки, дейилади табрикномада, сизлар партия ва ҳукуматнинг целлюлоза-қоғоз саноатидаги қолоқликни тугатишга қаратилган қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб технология ускуналари комплексини муваффақиятли ўзлаштирмоқдасиз ва ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки минглаб тонна висноза целлюлозаси ишлаб чиқардингиз, бу эса совет халқининг эҳтиёжлари учун яхши сифатли газламалар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга ёрдам беради.

* * *

Котлас целлюлоза-қоғоз комбинатининг биринчи навбат қисми йилига 110 минг тонна висноза целлюлозаси, юз минглаб декалитр спирт, 5,6 минг тонна озуқа ачитқиси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ишлаб чиқариш иншоотларининг мураккаб комплекси барпо этилди, обод посёлка вужудга келтирилди. Қурувчилар, монтажчилар ва эксплуатация ходимлари ҳозир комбинат қурилишини қисқа муддат ичида тугаллаш учун бутун куч ва ғайратларини сарф қилмоқдалар. (ТАСС).

МАЙОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ ҚИЗИТАМИЗ!

БИР МЕЁРДА

Етти йиллик бешинчи йилининг дастлабки кунларидан бошлаб бир меёрда ишлаб келаётган Тошкентдаги ипак йигирув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари биринчи квартал планини яхши кўрсатгичлар билан якунлаган эдилар. Уч ойлик топшириқ 103,3 процент қилиб адо этилди ва қўшимча равишда 21 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Ипак йигирувчилар КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами муносабати билан чиқарган Чақириқларидан руҳланиб, шу кунларда янада баракали меҳнат қилмоқдалар. Апрель ойи ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришяпти. Бу мусобақада актив иштирок этаётган 30 га яқин бригада смена нормасини мунтазам ортиғи билан бажаряпти. Александра Ким, Фароғат Набиева, Қумри Абдуллаева ўртоқлар бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадалари ҳаммага ўрнак бўлиш-моқда. Бу пешқадамларнинг иш кўрсатгичлари 106 процентни ташкил этяпти. Маҳсулотнинг 60 процентга яқинини биринчи сортларга топширмоқдалар. Бу эса белгиланганига нисбатан икки баравар кўпдир.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган дастлабки рационализаторлик таклифлари ҳам амалга ошириляпти. Слесарь Гумар Ғайфиннинг таклифи ипак йигирувчиларга жуда қўл келди. У ишдан чиққан турли деталларни қайтадан тиклаш имконини берадиган станок яратди. Бу ҳар йили фабрикага 2,5 минг сўмликдан кўпроқ фойда беради. Тиниб-тинчимасларданд В. Қорабоев, Ҳ. Абдуллаев, В. Белов ўртоқлар биргаликда ипак йигирадиган машинани такомиллаштиришга қаратилган таклиф билан чиқдилар. Бу таклиф йил давомида деярлик бир ярим минг сўм тежаб қолишни таъминлайди.

М. ЙЎЛДОШЕВА.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ИШЛОВ БЕРИШ БОШЛАНДИ

ЯНГИЕР. «Фарҳод» совхози 2-бўлимининг ўртоқ Т. Мелибоев бошлиқ бригадасида уруғлик ва силос учун 57 гектар ерга нўхат экилган эди. Нўхат барча майдонларда текис униб чиқди. Механизатор Мурод Омонликов шу кунгача 18 гектар ердаги нўхатни культивациядан чиқарди. Нўхат қатор ораларига ишлов бериш давом этмоқда.

БРИГАДА ЧИГИТ ЭКИШНИ ТАМОМЛАДИ

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг коммунист Маматқул ота Қосимов бошлиқ бригадаси аъзолари 105 гектар янги ўзлаштирилган майдонга биринчи бўлиб чигит экиб бўлдилар. Мамарасул Бўронов бошлиқ экипаж аъзолари чигитни етилган ерларга уяларга аниқ миқдорда уруг ташлайдиган сеялка билан экдилар. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 19 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаб, шу кунларда чигитни бехато ундириб олиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Х. Тошматова бошлиқ маккажўхорикорлар бригадаси 93 гектар ерга маккажўхори экиб бўлди. Бригада аъзолари маккажўхорининг ҳар гектаридан 550 центнердан нўхпоя ва 25 центнердан дон етиштиришга ахд қилганлар.

Э. ОТАБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

РАССОМЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 10 апрель. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида рассомларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съезди очилди.

Съездни СССР Рассомлар союзи правленнесининг биринчи секретари С. В. Герасимов очди.

Съезд президиумида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев КПСС Марказий Комитетининг рассомлар Бутуниттифоқ иккинчи съездига табрикномасини ўқиб эшиттирди.

СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари Е. Ф. Белашова съездда доклад қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЎРТА ОСИЁ БЮРОСИДА

Қолоқ бригада, колхоз ва совхозларни кўтариш юзасидан илғор пахтакорларнинг кўрсатган ватанпарварлик ташаббуси тўғрисида

Ўзбекистон ССР нинг донгдор механизатори, Тошкент областидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова қолоқ бригадани илғорлар даражасига етказиш мақсадида қолоқ бригадага ўтди. Бу қолоқ бригада ҳар гектар ердан 1962 йилда 17 центнердан ҳосил олган эди. Ташаббускорлар ҳосилдорликни шу йилнинг ўзидаёқ гектарига 30 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Ўртоқ Охунова мамлакатдаги пахтакор республикаларнинг механизаторларига мурожаат қилиб, уларни қолоқ бригадаларга бошчилик қилишга, уларни илғорлар даражасига етказиш учун курашишга даъват этди. Унинг бу чақиригини фақат механизаторлар ва бригадирларгина эмас, балки Ўрта Осиё республикаларидаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳам кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Саккиз юздан кўпроқ киши Турсуной Охуновадан намуна олиб, қолоқ бригада ва фермаларда, колхоз ва совхозларда ишлашга ўтди.

Ўрта Осиё машина синаш станцияси комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко ҳам қимматли ташаббус кўрсатди. У қолоқ «Оққўрғон» совхозида ишлашга ўтиб, саккизта пахтачилик звеносига бошчилик қилмоқда ва комплекс механизацияни кенг жорий қилиш йўли билан мўл ҳамда арзон пахта етиштиришга сўз берди.

Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли илғор колхознинг раиси Ғани Бобоёров Карл Маркс номли қолоқ колхозга раҳбарлик қилмоқда.

Тошкент областида йигирмадан ортиқ илғор колхоз қолоқ хўжаликларни оталиққа олди. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли пахта, маккажўхори ва каноп дан мўл ҳосил етиштиришда бутун мамлакатга донг таратган «Политотдел» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван) қолоқ ҳисобланган «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозини оталиккa олиб 1963 йил учун олинган социалистик мажбуриятни бажаришда ва колхоз экономикасини кўтаришда унга ёрдам кўрсатишга сўз берди.

Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва улар издошларининг ташаббусини Валентина Гаганова бошлаган ватанпарварлик ташаббусининг давомидир. Бу ташаббуслар қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказишга ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилади.

Бироқ, баъзи колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари бу қимматли ташаббуснинг моҳиятини қишлоқ меҳнаткашларига тушунтиришда ташкилотчилик кўрсатмаётирлар. Ҳолбуки, илғорларнинг ташаббуси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги катта резервларни ишга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Ўзбекистон ССР Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Турсуной Охунова, Ўрта Осиё машина синаш станциясининг бригада бошлиғи Валентин Тюпко ва улар издошларининг қолоқ бригада, колхоз ҳамда совхозларга раҳбарлик қилиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш каби муҳим масалани ҳал этиш соҳасидаги қимматли ташаббусини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон Компартияларга Марказий Комитетларига, пахтачилик бўйича Ўрта Осиё давлат комитетига, қишлоқ область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига, колхоз, совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ҳамда улар издошларининг қимматли ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш вазифасини топширди. Маҳаллий матбуотга ва радио эшиттириш Давлат комитетларига Турсуной Охунова ва Валентин Тюпко издошларининг ташаббусини кенг ёритиш тавсия этилди.

КОСМОС ШУНҚОРЛАРИГА ОЛҚИШЛАР!

СССР космонавт-учувчилари: (чапдан ўнгга) Ю. А. Гагарин, А. Г. Николаев, П. Р. Попович, Г. С. Титов.

ТАСС фотохроникаси.

КОСМИК ИККИ ЙИЛ

Космонавт-учувчилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари подполковник Юрий ГАГАРИН, подполковник Герман ТИТОВ, майор Андриян НИКОЛАЕВ, подполковник Павел ПОПОВИЧ.

□ □ □

Ичига одам тушган, жаҳонда биринчи «Восток» совет космик кемаси ер атрофини айланиб чиқиб, Ватанимиз ерига эсон-омон қўнган вақтдан бери орадан роса икки йил ўтди.

12 апрель катта байрам куни— Космонавтика Куни бўлиб қолди.

Биз, космонавт-учувчиларга тез-тез турли сафарларга боришга, меҳнаткашлар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Бўлиб ўтган учрашувлардан бирида, космоси забт этишни совет кишилари бошлаб берганликларининг сабаби нимада, деган масала устида гап борганлиги яхши эсимизда.

—Бу—ана шундай учишлар учун имконият яратган конструкторларимизнинг донолиги,— деди суҳбат иштирокчиларидан бири.

— Бу,— деди иккинчи бир киши,— фанимиз жасорати.

Сочларига оқ оралаган, кекса бир ишчи эса бундай деди:

— Бу — совет тузумининг яна бир ғалабаси.

Бу гапнинг тагида чуқур маъно ётарди. Байконур космодромининг старт майдончасидан биринчи «Восток» космик кемаси тутун ва олов ичра осмонга кўтарилганда, ҳар биримиз: «Мана, социализмнинг яна бир катта ғалабаси!» деб ўйлаган эдик.

Ҳа, худди шундай. Орадан ўн йиллар, юз йиллар ўтади, лекин кишилар космосни штурм қилишни Советлар мамлакати бошлаб берганлигини асло унутмайдилар.

Ҳозир бу штурм давом этмоқда. Ўтган икки йилги ҳақиқатан ҳам космос йиллари деб аташ мумкин. Аввало, бу йиллар бизнинг фан ва техникамиз, космонавтикамиз янада ривожланган йиллар бўлди. Биринчи парвоз кетидан иккинчиси бошланди — «Восток-2» совет космик кемаси орбита бўйлаб ер атрофини ўн етти марта айланиб чиқди. Ниҳоят, ўтган йили дастлабки икки парвоз учинчиси билан мустаҳкамланди. «Восток-3» ва «Восток-4» кемалари группа бўлиб космоса парвоз қилди ва Ер атрофидан жами 112 марта айланиб ўтди. Бу—совет космонавтикамиз тараққиёти тарихида янги катта қадам бўлди, чунки космосда биринчи дафъа ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган икки совет космонавт-учувчиси орасидаги масофа 6,5 километрни ташкил қилди.

Бу муваффақиятларга космик фазони текшириш учун ўтказилган қатор ажойиб тадқиқотларни ҳам кўшиб қўйишимиз лозим. Бу тадқиқотлар турли хил аппаратлар билан қурилланган совет йўлдошлари воситасида олиб борилди. Ниҳоят, «Марс-1» планетаграро станциясининг муваффақиятли учирилганлиги ҳам бизнинг катта ютуғимиздир.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда, икки йил — жуда қисқа давр. Лекин ана шу давр беповн ерларида коммунизмнинг ёруғ бинои қурилаётган бизнинг Ватанимиз учун нималар келтиргانлигини ўйласак, буюк ўзгаришлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Қаҳрамон совет халқи бу давр ичида озмунча иш қилмади: Минглаб гектар янги ерлар очилди, юзлаб заводлар, минглаб турар-жой бинолари қурилди, кишиларнинг меҳнатини осонлаштирадиган янги машиналар ва автоматик линиялар яратилди.

Улуғ Ленин Қизил майдонда туриб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бир йиллигини байрамида совет самолётларидан бирининг парвозини кузатган эди. Секин учадиган, енгил моторли машина жонажон Москвамиз устидан учиб ўтган эди.

В. И. Ленин бу оддий парвозни кузатиб, эҳтимол, ана шу дақиқаларда авиациямиз ва космонавтикамиз келажагини кўз олдига келтиргандир.

Орадан қирқ уч йил ўтгач, худди шу майдонда совет халқи биринчи космик учишларни таъминлаган, инсониятга космос йўлини очган космонавтлар, конструкторлар ҳамда олимларни табриклади.

Бу — Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида Ленин кўрсатган йўлдан бораётган совет халқининг фан ва техника тараққиётида эришган улкан ютуқларининг рамзи ва ёрқин далилидир.

Социализм шундай бир ишончли старт майдончасики, Совет Иттифоқи бу майдончадан космосга техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлантирган ажойиб кемаларни учирмоқда. Бугун дунё буни ҳозир аниқ кўриб турибди. Ватанимиз ўсиб ва тобора гўзаллашиб бормоқда. Меҳнаткаш халқимиз ишонч билан олға қадам ташлаяпти.

Ичига одам тушган кемаларнинг кейинги учишлари биз ерда ҳам, космосни ўзлаштиришда ҳам олдинга қараб бораётганимизни яққол кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати «Восток-3» ва «Восток-4» кемаларида группа бўлиб узоқ вақт давомида космик учишни амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларга қарата қилган ўз мурожаатида қуйидагиларни ҳаққоний равишда қайд қилдилар:

«Космосни ўзлаштиришда Совет Иттифоқи эришаётган муваффақиятлар бизнинг социалистик жамиятимиз нақадар битмас-туганмас яратувчилик куч-қудратига эга эканлигини яна бир карра яққол кўрсатмоқда. Ҳозир бутун дунё коммунизмнинг актив ва онгли қурувчиси бўлмиш совет халқи қандай буюк қаҳрамонликларга қодир эканлигини кўриб турибди».

Ҳа, чиндан ҳам шундай! Космосга қилинган биринчи тарихий учишдан сўнг ўтган икки йил ичида кўпгина мамлакатларда бўлишимизга тўғри келди. Биз Ҳиндистон ва Индонезия деҳқонлари, Чехословакия олимлари, Финляндия ўрмончилари ва япон студентлари, Американинг саноатчилари ва Польша металлургларидан учрашдик. Ҳамма ерда, барча қитъаларда турли социал табақаларга мансуб бўлган кишилар Советлар мамлакати эришган катта ютуқларни чин қалбдан табрикладилар.

Шундай кунлар ҳам бўлганки, АҚШ матбуоти гўё Совет Иттифоқида ҳам, АҚШда ҳам космонавтлар сони бир хилда деб исботлашга уринди. Лекин ҳақиқатдан қочиб қутилиб бўлмайди. У ҳамиша ва ҳар ерда намоён бўлади. Ахир, бизнинг бир юз ўттиз марта ер атрофини айланиб чиқишимиз ва бунинг аҳамияти ёки атиги ўн икки марта айланиб чиқишни ва космосга икки марта қилинган сафаримизни таққослаб бўладими? Агар вазнсизликда ўтказилган вақтни ҳам солиштириб, бунга биринчи марта кўп сутка давомида группа бўлиб учиш фактини ҳам қўшсакчи? Шундан сўнг, бошқача гап бўлиши мумкинми, ахир?

*Ҳа, биз олдинда ва ҳозирги ва ҳозирги ва ҳозирги

Ўртоқ Абдурахмон Йўлдошев бошлиқ бригада Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг машъал бригадаларидан биридир. Ҳозир бу ерда чигит экиш оммавий тус олиб кетди. Тракторчи ўртоқ Тиловберди Дўсжонов бошқараётган агрегат чигитни ниҳоятда сифатли қилиб экмоқда. Суратда: тракторчи Т. Дўсжонов ва сеялкачи А. Усмонова ўртоқлар ерга барака уруғини қадамоқдалар.

А. Абалян фотоси.

РЕПОРТАЖ

ТАҲСИН ЎҚИГИНГ КЕЛАДИ

Биз Юнусобод қишлоғига етиб келганимизда қуёш тов ўркачлари ортидан илк ёғдуларни атрофга таратмоқда эди...

Дала ҳавоси қандай ажойиб-а! Кишига ором бахш этувчи дала ҳавосини таърифлашга сўз етармиди? Хил-хил чечаклар, ялпизларнинг хушбўй ҳидлари думоққа келиб урганда кишн маст бўлгудек ғабиатнинг бу эҳсони олдида ғангиб қолади. Ҳув нариги картадаги карам кўчатларини айтмайсизми? Бирам жажжи, бирам гўзал!

Гўё баҳор ўзининг файзини шу қишлоққа тўкиб солгандек. Ҳали бригадир билан учрашмасдан-оқ бу бригада ҳақида бекорга мақтов гаплар айтилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Далаларни айланиб юрар эканмиз узоқдан бригадирнинг ўзи кўринди. Санд ака Маликов бу йилги олган мажбуриятлари, қилаётган ишлари ҳақида завқланиб гапирди.

— Ишларимиз дуруст кетаяпти, — деди у камтарлик билан, — ҳозир далага 80 колхозчи сафарбар этилган. 145 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Шундан 38 гектарига картошка, 30 гектарига сабзавот ва 15 гектарига ниҳол экмоқчимиз. Ҳозиргача 12 гектар ерга картошка, 16 гектар ерга сабзавот, 1,5 гектар ерга қовоқ, 3 гектар ерга хашаки лавлаги ва 2 гектар ерга нўхат экиб бўлдик. 10 гектардан ошиқроқ майдонга эса 60х60 схемасида маккажўхори экдик. Эрта униб чиққан экинларни парвариш қилишни бошлаб юбордик. 8 гектар ердаги карамни биринчи ишловдан чиқариб қўйдик.

Боя биз кўрган карамлар ана шу ишловдан чиқариб қўйилган дала экан.

— Бу йилги мажбуриятларингиз қанақа? — сўрадик ундан.

Бригадир сўзида давом этди.

— Бу йил ҳар гектар ердан 17 тоннадан картошка, 632 тонна сабзавот, 120 тонна узум етиштириш учун курашяпмиз. Бунинг учун ерга 600 тонна суперфосфат аралаштирилган маҳаллий ўғит солдик. М. Мавлонов звеносида эртаги помидор экишни бошлаб юбордик.

Далаларга кўз ташладик. Колхозчилар янгигина келтирилган кўчатларни чаққон қўллари билан жўякларга экмоқдалар. Ҳамманинг фикри-зикри келтирилган кўчатни тезроқ экиб олишда. Ҳув нариги карталар кафтдек, текис, марза четлари сурилиб ташланибди. Суғориш шохобчалари тайёр.

— Булар 5-звенога қарашли майдонлар,— деди Санд ака ўша ёққа тикилиб.

Кимдир пайкал четидаги сўнгги марзани чопаётибди. Билсак, бу ерлар кечки картошка экишга тайёрланаётган экан. Бригадада қилинаётган ишларни санаб тугатиб бўлмайди. Қуёш далаларни қиздирган сари колхозчилар ҳам дала ишларини тобора авж олдирмоқдалар. Хуллас, бригада аъзолари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилиб катта ютукларни қўлга киритмоқдалар. Биз фақат бригадир ишидангина эмас, бир ёқадан бош чиқариб тезроқ шаҳарликлар дастурхонини мўл-кўл нозинеъмат кўкатлар билан безаш ишқи билан жавлон ураётган Ж. Йўлдошев, А. Тиллахўжаев, И. Исмоилов, Қ. Абдуллаев, Э. Пирматов сингари қўли гул колхозчилар ишидан ҳам беҳад хурсанд бўлдик.

П. НИШОНОВ,
Ф. ИСАЕВ,
Калинин районидаги «Ўзбекистон» колхози.

МЕҲНАТДА ТОБЛАНАЁТГАНЛАР

«Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялайдиган чинакам мактаб эканлигини сизларнинг тажрибангиз яна бир марта исботламоқда, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларига юборган табригида, — Бу бригадаларда шонли механизаторларимиз, чорвадорларимиз, селекционерларимизнинг яхши ўринбосарлари ўсиб етишмоқда». Ҳа, улар ўзларининг намунали ишлари билан билим ва меҳнат бир-бирига пайванд эканлигини исботламоқдалар. Бундай ёшларни меҳнатда тобланаётганлар деб бечиз айтишмайди.

Ишлаб чиқариш бригадаларининг қилаётган ишлари ҳақиқатан ҳам қувонарлидир Улар фойдали ва керакли касбларни эгаллашга қандай тайёргарлик кўраётганликларини муҳокама қилиш учун яқинда область слётига тўпландилар.

Слётда Тошкент қишлоқ область комсомол комитетининг секретари Л. В. Лаврина «Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари Бутуниттифоқ слётининг якунлари ва область мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадаларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Ҳозир областимизда 150 дан ортиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари мавжуд. Бу бригадаларга 4850 ўқувчи аъзодир. Меҳнатда тобланаётган ўғил-қизлар учун 1600 гектар ер бириктирилган. Шулардан 448 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари мевачилик, полизчилик билан ҳам бевосита шуғулланмоқдалар.

Устозсиз шогирд бўлмайди дегандаридек, меҳнатсевар ўқувчиларга тажрибали мутахассислар бошчилик қилмоқда. 9 инженер, 35 техник, 79 агроном ёшлар бригадаларига бош-қош. Шунингдек, ўқувчилар ихтиёрида 72 та трактор, 8 та ғалла ўрадиган машина, 22 та сеялка бор.

Ўтган йили Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларда 614 ўқувчи мўл ҳосил етиштиришдек муҳим ишда актив қатнашди. 17, 73 ва 23-мактаб ўқувчилари томонидан ташкил топган ишлаб чиқариш бригадалари қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Янгийўл районидаги 17-мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари кучи билан 46 тонна-ю, 469 килограмм «оқ олтин» териб хирмонга топширилди. Шундан 11 тонна 200 килограмми машиналарда териб олинди. Бригада гектаридан 40,2 центнердан ҳосил қўтариб, йиллик планни 142,9 процент қилиб ado этди. Пахта териш мавсумида бригаданинг ҳар бир аъзоси 125 сўмдан меҳнат ҳақи олди.

«Политотдел», «Правда» колхозлари оталиғидаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бўка, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги кўпгина мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ҳам ўзаро мусобақалашиб ишлашяпти.

Доклад юзасидан қизғин музокара бошланди. Москвада ўтказилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг Бутуниттифоқ слётининг қатнашчиси, Ўрта Чирчиқ районидаги 44-мактаб ўқувчиси М. Қурбонов ўзи бошчилик қилаётган ишлаб чиқариш бригадасининг ҳозирги кунда қилаётган ишлари ҳақида гапириб берди. Бу йил улар колхоздан яна 10 гектар қўшимча ер олиб мўл пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилишган.

— Ўтган йили бригадамиз аъзолари, — дейди Калинин районидаги 73-мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи С. Шокирова, — 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,6 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бундай катта муваффақиятга эришишимизда СоюзНИХИ илмий ходимлари бизга катта амалий ёрдам кўрсатишди. Бу йил еримизга яна ер қўшилди. ҳамма карталарга «С-2747» нав пахта экамиз.

Слётда, шунингдек, Бўка районидаги 12-мактаб ўқувчиси У. Рўзиқулов, Янгийўл районидаги 12-мактаб ўқувчиси З. Ҳолбекова, Оққўрғон районидаги 11-мактаб ўқувчиси С. Расулева ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Слёт қатнашчилари донгдор маккажўхорикор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Лини қизғин кутиб олдилар. Ўртоқ Л. Ли меҳнатда тобланаётган ўқувчиларни қизғин табриклади ҳамда мўл ҳосил етиштириш йўлида уларга катта муваффақиятлар тилади.

Слёт қатнашчилари областдаги барча ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларига қарата Мурожаат қабул қилдилар. Улар ҳамма мактаб ўқувчиларининг энг яхши ишлаб чиқариш бригадаларига тенглашишга, уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланишга, жонажон колхоз ва совхозларининг чинакам ёрдамчилари бўлишга чақирдилар.

ШУ ҲАМ КВАДРАТМИ?

Пайкал ўртасида 3 киши — колхоз агрономи вазифасини вақтинча бажарувчи Николай Евченко, бригада бошлиғи Мирзаш Аметов ва экипаж контролёри Степан Колесниковлар алланима тўғрисида қизғин тортишмоқдалар.

— Ахир бунақада квадратлар тўғри чиқмайди-ку, биродарлар,— куюниб уқтира бошлади контролёр. — Буни қаранглар, даламиз кафтдек текис. Уялар эса кингиркийшиқ. Бири унда, бири бунда. Кўрганлар нима дейди?

Бригадирнинг хуноба ошди шекилли, қўлидаги линейкада ҳозиргина экилган уяларнинг жойланишини зарда билан ўлчаб кўрди. Қатор оралари 60 сантиметр бўлса, уяларнинг ораси гоҳ 45, гоҳ 55 сантиметр бўлиб қолмоқда эди. Агрегат пайкалнинг бошидан этагига бориб келишида уялар нак 5-10 сантиметрга сурилиб кетади.

— Бу тўғрида сизларга бир неча бор айтдим, ахир, — деди у ниҳоят агрономга юзланиб, — бу тракторчининг ҳали тажрибаси кам. бирорта устарок механизатор бўлганида эди, бунчалик азоб тортмаслик.

— Тажрибали механизаторлар етишмайди-да,— агроном бепарволик билан жавоб берди. — Нa чора. Бироз бўлса ҳам оғирликни бўйнингизга олинг. Балки ўрганиб кетар. Ёр бироз бузилса ҳам майли. Хеч гап эмас.

— Гапингиз ғалати-я! — контролёр қизишиб кетди. — Парвариш даврини ҳозиргача ўйламаётганга ўхшайсизлар. Карта ўзи 22 гектар бўлса, ундан икки гектарга яқинини «илон изи» қилиб экдик. Ўйлаб кўринг-да. Бу аҳволда биринчи культивацияннинг ўзидаёқ бир талай кўчатимизни қийратиб қўямиз.

— Бу-ку тўғри-я, — деди ўртоқ Н. Евченко.—Лекин бошқа йўли йўқ. Экаверинглар, об-ҳаво дуруст келяпти, бўшашманглар.

Агроном шундай деди-ю, бошқа бригадага равона бўлди. Мирзаш ака ўзича ғулдураб қолаберди.

— Шу раҳбарларнинг «бўл-бўл»и жонга тегдида, сифат билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Бригадир ҳақ гапни айтди. Фақат 1-бригадада эмас, колхознинг барча бригадаларида ҳозир чигит экиш оммавий тус олган бир пайтда қагор қийинчиликларга дуч келиняпти. Бунинг айрим сабаблари бор.

Колхозда бултур ҳам чигит экишга кўнгилдагидек ҳозирланилмади. Техника ремонти резинкадай чўзилиб кетди.

Буларнинг натижасида кузда ғалвир сувдан кўтарилганда раҳбарлар бармоқ тишлашди. План 96 процентга бориб така-тақ тўхтади қўйди. Колхозчиларнинг умумий йиғилишида ҳисоб берган раис ўртоқ П. Саулькин:

— Ўтган йили ишимиз яхши бўлмади, ўртоқлар. Давлатдан анча-мунча қарздор бўлиб қолдик. Бу йил юзимиз шувит бўлмайди, доғни ювамиз, — дея лоф урди-ю, кўклам экишга тайёргарликнинг боришидаги камчиликларни рўйрост айтиб бермади.

Колхозчилардан бири ернинг сифатсиз ҳайдалаётганини таҳқид қилаётган эди. раис унинг оғзига ҳам қопқоқ ёпди.

Лекин, ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Ҳозирги кунларда бу нуқсонлар «кароматини» кўрсатяпти. 1-бригадада тептекис далада квадратларнинг нотўғри чиқаётганига ҳам, кўпчилик уялардаги чигитларнинг кўмилмай қолаётганига ҳам колхоз раҳбарларининг ўзлари айбдор. Негаки, ер ҳайдаш даврида сифат текширилмади. Ҳайдаш ернинг оби-тобида ўтказилмади.

— Қуруқ бороналаш билан чигит эколмаймиз, ер метиндай қотиб ётибди, — дейишди бригадирлар правление йиғилишида.

— Парво қилманглар, — деди раис, — бунинг ҳам давоси бор. Жуда бўлмаса чизеллаб юборамиз, вассалом.

Ҳозир худди раис айтганидай пайкалларни экишдан олдин чизеллаяпти. Шундан сўнг бороналаниб, мола босилмоқда. Хўш, бу тадбирнинг фойдаси бўляптими? Аслида, йўқ.

Ўртоқ С. Исҳоқов бошлиқ бригадада квадрат-уялаб чигит экаётган механизатор Василий Бибаров билан суҳбатлашиб қолдик. Уни колхоздагина эмас, хатто бошқармада моҳир механизатор сифатида танийдилар. Аммо унинг ўз ишидан кўнгли тўқ бўлмаяпти.

— Мана шу пайкалга бир неча йилдан бери ўзим чигит экаман. Лекин, агрегатим бу йилгидек қийнамаган. Чизеллаётганларда ҳам инсоф йўқ. Пайкалнинг у ер-бу ерини «ола» қилиб кетилганидан чигит бирдай экилмаяпти.

Ҳа, ер шароити жуда қулай бўлган бу колхозда чигитни квадратуялаб экиш сифати бузиляпти. Бороналаш, молалаш ўз вақтида ўтказилмаганидан эндиликда бу тадбирларнинг фойдаси бўлмаяпти. Қайси далага борманг, катта-катта кесак. Улар сеялка гилдирагига тўғри келганида чигит ернинг бетида қолиб кетмоқда. Шунга қарамай, колхоз раҳбарлари:

— Буниси ҳам ҳолва. Ҳайриятки, якинда ёмғир ёғди. Кесакларни анча-ивишиб қолганида кўриб турибсиз, — дейишмоқда.

Колхоз бу йил 780 гектар ерда «оқ олтин» етиштиради. Шундан 200 гектарига чигит режа сими билан квадрат-уялаб экилади. Сўрўатку, хозирча ёмон эмас. Лекин, сифат талабга жавоб бермайди. Хўжалик ҳар гектар ердан 24,4 ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Деҳқонларимиз: «Ҳосил кўчатдан чиқади», — дейишади. Бунақанги экишда гектарларда кўчатларнинг тўла бўлишини таъминлаш амри маҳол.

Юқоридаги камчиликлар тезда тугатилмаса, бу йил ҳам панд еб қолишингиз мумкин.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.
Янгийўл. «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

Агроном бригадирга: — Парво қилманг, биродар, қийшиғи кейин тўғри бўлиб кетар!

М. Воробейчиков чизган расм.

410 ЦЕНТНЕР ГЎШТ

410 центнер аъло сифатли гўшт! Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари давлатга ана шунча миқдорда гўшт сотиб, яним йиллик планни муддатидан 3 ой илгари адо этдилар. Чорвадорлар бу ютуқ билан кифояланиб қолмай, кўпроқ гўшт етиштириш мақсадида 41 бош қорамол ва 215 бош чўчқани бўрдоқига боқаётирлар. Бу ишда А. Парпиев, Ғ. Жумаев сингари моҳир молбоқарлар айниқса, ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Улар байрам олди социалистик мусобақасига қўшилиб, 1 Май кунигача давлатга 123 центнер мол гўшти ва 195 центнер чўчқа гўшти сотишга аҳд қилишди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Табрикловчи эмас ташкилотчи бўлинг"

Тошкентдаги сут комбинатида қўл кучи билан бажариладиган оғир иш процессларини автоматлаштиришга етарли эътибор берилмаётгани газетамизнинг 26 январь сонида юқоридаги сарлавҳали мақолада таҳқид қилинган эди.

Чилонзор район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Шогазатов редакцияга шу мақола юзасидан қуйидаги жавобни юборди:

«Мақола сут комбинати инженер-техник ходимлари ўртасида ва умумий касаба союз мажлисида муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари комбинатда йўл қўйилаётган камчиликлар газетада тўғри ва ўз вақтида кўтарилганини қайд қилди. Сут ва ёғ маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган амалий тадбирлар белгиланди. Жумладан, комбинатда иккинчи скважина ишга туширилди. Кучли компрессорларнинг монтаж ишлари тугалланди. Эски компрессорлар эса янгилари билан алмаштирилди. Сут цехи реконструкция қилинди. Сирни қайта ишлаш ва ёғ эритиш цехи ташкил қилиниб, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Творог цехи ҳам кенгайтирилди. Иккита катта кучга эга бўлган трансформатор ўрнатилди.

Комбинатнинг техника совети 1963 йилда цехларни янги машиналар билан таъминлаш ва қўл кучи билан бажариладиган оғир иш процессларини механизациялашга боғлиқ бўлган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланаяпти».

ЖУМА — ШАҲАР ОЗОДАЛИГИ КУНИ

ЧЕТДА ҚОЛМАНГ

Шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Шаҳримизни янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш» ҳақида пойтахт меҳнаткашларига мурожаат қилди. Шаҳар аҳолиси бу мурожаатга жавобан «пойтахтимиз ҳусни бизнинг ҳуснимиз» демоқдалар. Шунинг учун ҳам, шу кунларда барча маҳалла ва жамоат кўп йиғиладиган майдон территорияларини озода сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар томонлама қизитиб юборилди.

Шаҳар санитария тозалаш бошқармаси ана шу мақсадда кўпгина ташкилий ва амалий тадбирларни ишлаб чиқди. Бошқарма шаҳар кўчалари ва майдонларини кундуз кунлари супуришни ман этди. Кундуз кунлари кўчаларни супуриш фақат белгиланган жойлардагина, шунда ҳам сув сепилиб ахлати йиғиштириб олинган жойлардагина ўтказиш зарурлиги белгиланди. Шаҳарнинг марказий кўчаларига меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитети томонидан белгилаб қўйилган соатлардагина махсус автомашиналарда сув сепилади.

Эндиликда кўчаларни супуриш ва ахлатларни одатдагидек телеграф столбалари тагига тўплаб, ташлаб кетиш каби тартибсизликларга мутлақо чек қўйилди.

Шуни ҳам алоҳида эслатиб ўтиш ўринлики, ремонт қурилиш бошқармаси механизациялашган ва майдонларда қурилиш чиқиндиларини қолдириб кетиб, шаҳар ҳуснига доғ солмоқда. Шаҳар санитария-тозалаш бошқармаси қурилиш ахлатларини ташиш учун ҳаттоки баҳоси пасайтирилган таъриф бўйича зарур миқдорда автомашина ажратиш имкониятига ҳам эга. Лекин ремонт қурилиш бошқармаси номаълум сабабларга кўра машина заказ қилишни ва ахлатларни ўз вақтида ташиб кетишни истамаётир.

Санитария-тозалаш бошқармаси апрель ойининг бошидан бошлаб шахсий уйларда яшовчи ҳамма аҳолининг заказ беришини кутмасдан ахлатларни ташишни йўлга қўйди. Бунинг учун уй бошқармалари, маҳалла комиссияларининг активлари бошқарма контролерларига бу ишларни ташкил қилишда яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Кейинги қисқа вақт ичида район санитария-тозалаш конторалари қарамоғидаги автотранспорт воситаларини кўпайтириш кўзда тутилади. Бу эса келгусида ўз районлари территорияси санитария холатини янада яхши ва озода сақлаш, ахлатларни ўз вақтида ташиш ва кўчаларга сув сепиш имкониятини беради.

Жонажон шаҳримизнинг озода ва чиройи учун! Шу кунларда олиб борилаётган ишлар ана шу шиор остида ўтказилмоқда. Ишончимиз комилки шаҳримизда яшовчи ҳар бир хонадон ва аҳоли ўз кўчаси, райони ва жонажон шаҳрининг озода бўлиши, обод кўкаламзорга айлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ю. ИСМОИЛОВ.
шаҳар санитария-тозалаш бошқармасининг бошлиғи.

Пойтахтдаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат парки мавсумга яхши тайёргарлик кўрди. Паркни ободонлаштиришда Тошкент қурилиш техникуми студентлари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Суратда: студентлар паркда шанбалик ўтказишмоқда.

Н. Сиваконьев фотоси.

ПАРКЛАРДА ТАРАДДУД

Пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат паркларида шу кунларда мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Механизаторларнинг маданий дам олишларини таъминлаш, намунали хизмат кўрсатиш юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан Пушкин номли паркда ҳам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун барча чоралар кўрилаяпти. Паркка ўтказилган 200 туп арча, 4 минг туп ҳархил манзарали дарахтлар «яшил либос» кийиб, паркнинг чиройини очиб юборди. Бу ерда чаман бўлиб очилиб ётган «Кавровий», «Маргаритка», «Сальвий» каби гулларнинг муаттар ҳидлари паркка кирган кишига ҳузур бахш этади. Паркни ободонлаштиришда шаҳардаги 14-мактаб ўқувчилари ва қурилиш техникумининг студентлари актив қатнашмоқдалар.

Ленин комсомоли номидаги паркда қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Қисқа вакт ичида бу ерга 270 туп манзарали дарахт ниҳоллари ва 1500 туп ҳархил гуллар ўтказилди. Бу ердаги гулларни 75 ёшли Сохиба опа Зуҳурова ва Роза Аҳмедова кабн гулчилар меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Шунингдек, бу паркда бирданига 200 киши дам оладиган хона ташкил этилди, чўмилиш майдончасига 125 та кровать қўйилди, кураш ва концерт майдони эса 1500 киши сиғадиган қилиб кенгайтирилди.

Тошкент шаҳар маданият бошқармаси шаҳардаги барча парклар дам олувчиларга маданий хизматни янада яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Б. САФАРОВ.

ТОЗАЛИК—СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Пойтахтимизнинг жамоли кун сайин очилиб, гўзаллашиб бораяпти. Топ-тоза кўчалар, яшил либосга бурканган хиёбонларни кўриб кишининг кўзи қувнайди, баҳри-дили очилади. Лекин афсуски ҳам мавқт ҳам шундай бўлавермайди; пойтахтимизнинг ҳуснига доғ тушираётган ифлос кўча ва майдонлар ҳам борки, бу албатта кишини ранжитади, Бешёғоч, Сағбон, Чиғатой, «9 январь» кўчаларидан ўтган кишининг таъби хиралашади, чунки ҳар қадамда ахлат ва чиқиндилар уюлиб ётади. Бируний майдони атрофидаги урналар доимо ахлат билан тўлиб кўчаларга сочилиб ётади.

Бешёғоч кўчаси Чақар маҳалласидан оқиб ўтадиган сувнинг атрофига қараб бўлмайди. Ахлат ва чиқиндилар ташланавергаилиги сабабли ҳам бу ер култепага айланган.

Кўчаларда, ариқ ёқаларида ахлатларнинг уюлиб қолишига сабаб шуки, район санитария-тозалаш бўлими маҳалла хонадонларидан ахлатларни мунтазам олиб кетиб турилишини таъминламаётир.

Мана, кунлар ҳам исий бошлади. Эндиликда қиш бўйи тўпланган ахлатларни йўқотишимиз, ҳаммаёқни тозалашимиз лозим, акс ҳолда юқумли касалликларни тарқатувчи пашша кўпайиши турган гап. Бунинг учун аввало ахлат ташланадиган яшикларни асфальт ёки бетонланган майдончага ўрнатиш керак.

Халқимиз тозалик—соғлиқнинг гарови эканлигини, соғ танда соғлом ақл бўлишини яхши билади. Шунинг учун ҳам шаҳримизни озода тутиш фақатгина давлат муассасалари, коммунал-хўжалик бўлимлари ва санитария ходимларининг вазифаси бўлибгина қолмай, балки ҳар бир тошкентликнинг гражданлик бурчидир.

А. СОДИҚОВ.
Соғлиқни сақлаш ва медицина тарихи институтининг илмий ходими.

Қўли гул кексалар

Бундан икки-уч йил муқаддам Янги шаҳар маҳалласига келган кишининг кош-киприкларига чангтўзон қўнарди. Эндиликда ана шу тор ва пасткам кўчалар ҳам асфальтланди, ҳар бир хонадоннинг эшигигача тротуар қилинди.

Маҳалла активлари жамоатчилик асосида катта ободончилик ишларини олиб бораяпти. Янги ариқлар қазилди, кўчалар тозаланиб, жой-жойларга ахлат яшиклари ўрнатилди. Бу соҳада врач Т. Нуриев бошчилик қилаётган санитариягигиена комиссияси яхши ишламоқда. Маҳалла территорияси ва хонадонларда ахлат ва чиқиндилар тўпланиб қўйилмаслиги қаттиқ назорат остига олинган. Бу қондаларга риоя қилмайдиган айрим кишиларга нисбатан маҳалла комитети маъмурий ва жамоат чораларини амалга оширмоқда.

— Шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўшиш ҳар бир маҳалла кишисининг энг муҳим ва шарафли вазифасидир,—дейди ободонлаштириш комиссиясининг раиси, пенсионер Ш. Шоахмедов.

Қарияларимиз кўчат ўтказиш мавсумини қандай ўтказиш лозимлигини муҳокама қилишда. Шунда пенсионерлардан Х. Қосимов, Б. Ёқубов, Х. Юсупов, С. Сайдаҳмедов ва бошқа оталар мевали дарахтлар ўтказиш ва уларни яхши парваришлаб ўстиришни ўз зиммаларига олдилар.

Бу ишга Х. Қосимов билан Ш. Шоахмедов бошчилик қилишди. Ўтган ойлар ичида минг тупдан ортиқ олча, олма, ўрик, узум кўчатлари ва 500 дан ортиқ хушманзарали дарахт кўчатлари маҳалла аҳолисининг кучи билан ўтказилди.

Маҳалла территориясини ободонлаштиришда қариялар билан бир каторда А. Иброҳимов, Қ. Пўлатов, К. Камолов каби ёшлар ҳам актив қатнашдилар. Ариқларни тоза саклаш, ахлат ва чиқиндиларни алоҳида ажратилган жойларга ташлаш, эшик олдиларини супуриб, сув сепиб туриш, дарахт ва ариқ бўйларига ўтказилган гулларни нобуд қилмай парвариш қилиш ишлари маҳалла аҳолисига тушунтирилди.

Шаҳримизнинг янада ҳусндор, манзараси янада гўзал бўлишини истаган ҳар ким ўзи яшаб турган жойни озода саклаб, кўкаламзор ва обод килсин!

Х. МЕЛИҚУЛОВ.
Янги шаҳар маҳалла комитети раиси.

— Биродар, олдин сув сепиб, кейин супурмайсизми?
— Бе, қизиқ экансиз, сув сепса чангги кўтариладими?

А. Холиқов чизган расм.

РАКЕТА-ЯДРО БИЛАН ЗЎР БЕРИБ ҚУРОЛЛАНИШ ТЎХТАТИЛСИН!

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 8 апрелда АҚШнинг СССР даги элчиси Ф. Колерга Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотасини топширди. Нотада айтиладики, Шимолий Атлантик иттифоқи (НАТО)нинг қатнашчилари маълум вақтлардан буён шу блокнинг бирлашган ядро кучларини барпо қилиш планларини тузиш билан шуғулланиб келмоқдалар. Эълон қилинган расмий баёнотлардан маълум бўлишича, АҚШ ва Англиянинг ядро қисмларини Германия Федератив Республикасининг ва, эҳтимол, НАТОда қатнашаётган бошқа бир қанча мамлакатларнинг тегишли қўшинлари билан биргаликда «кўп миллатларнинг кучлари» деб аталмиш бир мушт шаклида тўплаш мўлжалланмоқда. Бир нарса мутлақо равшанки, гап АҚШ ва НАТОдаги бошқа давлатлар бундесверга ва бошқа мамлакатларнинг қуролли кучларига ракета-ядро қуроли учун йўл очиб беришни мўлжаллаётганликлари устида бормоқда.

Ракета-ядро қуроли мавжуд бўлган замонда ялпи тинчликнинг ғамида бўлиш, дейилади сўнгра нотада, инсониятнинг биринчи ниятидир, бу эса ҳокимият тепасида турган ҳукуматлар зиммасига беиҳоя катта масъулият юклайди. Халқлар якдиллик билан ана шу ҳукуматлардан: термоядро урушининг олди олинсин, бу урушнинг бошланиб кетишига йўл қўйилмасин, деб талаб қилмоқдалар. НАТОдаги давлатлар социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар сиёсатига «совуқ уруш» сиёсатини, халқаро ҳамкорликни қўпориш ҳамда уруш олиб боришнинг тобора ҳалокатлироқ воситаларини яратиш ва жамғариш соҳасида давлатлар ўртасидаги рақобатни хар тарафлама кенг авж олдириш йўлини қарама-қарши қўймоқдалар.

Нотада кўрсатиб ўтиладики, НАТО мамлакатларига ҳеч ким таҳдид солаётгани йўқ, кўп томонлар ва кўп миллатлар ядро кучларининг барпо қилиниши жаҳондаги кучларнинг мавжуд нисбатига тузатиш кирита олмайди. Томонлар ядро қуролини шунча миқдорда ҳозирлаб қўйдиларки, ўхшатишлар тили билан гапирганда, бу қурол ерни остин-устин қилиб, океанларни қиргоқларидан чиқариб юбориш учун етиб ортади.

Мабодо, яна бирон ефрейтор учинчи жаҳон урушининг оловини ёқиб юборишга қодир бўлиб қоладиган бўлса, Шимолий Атлантик иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг хавфсизлиги бундан манфаат кўрадими, ахир? Ҳар бир ақли расо кишига шу нарса равшанки, НАТО раҳбарларининг планлари амалга ошгудек бўлса, ядро қуроли ва унинг доимий йўлдоши бўлган уруш хавфи бамисоли сувга тўкилган мой томчисидек планетамиз бўйлаб ёйилиб кетган бўлур эди. Совет ҳукумати шу муносабат билан огоҳлантириш сўзларини баралла айтиб қўйишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

Конфликт чиққан тақдирда, замонавий уруш қонунлари агрессорни дарҳол бостириш учун ва, жумладан, тинчликсевар давлатларнинг ҳаётий муҳим марказларини нишонга олиб турган доимий ва ҳаракатчан базаларни зарарсизлантириш учун ҳамма воситаларни ишга солишга мажбур қилажак. Шимолий, Ўрта, Балтика ва бошқа денгизларда бўлишидан қатъи назар, сув остида ва сув устида ракеталар ташувчи кемаларнинг тўхташи учун фойдаланилаётган портлар урушнинг дастлабки минутларидаёқ ер билан яксон бўлиши турган гап. Шимолий Атлантик блокининг ҳарбий тайёргарликлари ўзига қарши қаратилган мамлакатлар тинч савдо кемалари ниқоби остида ядро ракеталари ташувчи кемалар яшириниб олиши мумкин бўлган энг серқатнов денгиз йўлларини ўз интиқом воситалари билан доимо нишонга олиб туришга мажбур бўлур эди. Башарти, савдо байроғини ниқоб қилиб олган НАТОнинг ҳарбий кемалари денгизларда у ёқдан-бу ёққа изғий бошласа, бу нарса аслида эълон қилмаган ҳолда, уруш ҳолатини чиқаришга тенг бўлур эди.

Совет ҳукумати шу нарсага бефарқ қараб тура олмайдики, дейилади нотада, НАТО ичида бир томондан — АҚШ ҳукумати, иккинчи томондан эса — Франция ҳукумати — гарчи бир-бирига тўла мос келмайдиган сабаблар билан бўлса ҳам, — тилёламалик билан ғарбий герман милитаризмининг пинжига кирмоқдалар ва, унинг мададкорлигига кафолат олиш учун Германия Федератив Республикаси раҳбар доираларининг энг агрессив ниятларига пишанг бермоқдалар. АҚШ ҳукумати Германия Федератив Республикасидаги милитарист ва реваншист доираларга ён беришлар эвазига НАТО ичидаги зиддиятларни ҳал қилиб олишга уринiб кўрмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши якунларини қайта кўриб чиқиш. Германиянинг мавжуд чегараларини ревизия қилиш, социалистик герман давлати — Германия Демократик Республикасига ашаддий душманлик — Германия Федератив Республикаси ташқи сиёсатининг расмий равишда эълон қилинган йўллари ана шулардан иборат. Бу реванш сиёсати, уруш сиёсатидир. Қуролланиш соҳасида ва, аввало, ядро билан қуролланиш соҳасида НАТОдаги бошқа давлатлар билан тенглашиб олиш йўлидаги интилишга ҳам ана шу сиёсат сабаб бўлмоқда.

НАТОда планлаштирилаётганидек, ядро қуролига эга бўлган давлатлар доирасининг кенгайтирилиши ва Германия Федератив Республикасининг ядро қуролига йўл топиб бориши осонлаштирилиши натижасида халқаро ишларда ядроқнинг ғалаба қилиш перспективасига талай даражада путур етказиб қўйилиши мумкин. Башарти, АҚШ, Англия ва Франция ядро қуролини ёйиш йўлидан борадиган бўлсалар, у ҳолда Совет ҳукумати ўз-ўзидан маълумки, тегишли хулосалар чиқаришга ҳамда янги вазиятни назарда тутиб, Совет Иттифоқининг, ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини тегишли даражада сақлашни таъминлайдиган чоралар кўришга мажбур бўлур эди.

Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантирмаслик ва ядро қуролининг ҳар қандай тарзда ёйилишига йўл қўймасликнинг бошқа иложи бор. Бу — қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш; ядро қуролини тақиқлаб, уни миллий қурол-яроғлар орасидан чиқариб ташлаб, тўпланган запасларни йўқ қилиш; чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини тугатиш; ядро бомбаларини тажриба тариқасида портлатишнинг ҳамма турларини абадий тўхтатиб қўйишдир.

Бу — томонларнинг келишуви билан иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ҳамда Германия билан сулҳ шартномаси тузиб, шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштиришдир. Бу — халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга олиб борадиган тадбирларни кўриш, шулардан биринчи тадбир сифатида ҳужум қилмаслик ҳақида НАТО қатнашчилари билан Варшава шартномаси қатнашчилари ўртасида пакт тузишдир.

Ана шу таклифлардан ҳар бирини ва, айниқса, ҳаммасини бирга қўшиб амалга ошириш натижасида ер юзида тинчлик заминлари мустаҳкамланган бўлур эди. Совет ҳукумати АҚШ ҳукуматини ҳам зикр этилган проблемаларни бартараф қилиш учун ёрдам беришга ва биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, ракета-ядро билан зўр бериб қуролланишни тўхтатишга даъват қилади. Совет Иттифоқи халқаро муносабатларнинг ривожи биринчи ўринга чиқариб қўйган масалаларни музокаралар столи атрофида ҳал қилиш тарафдоридир.

* * *

А. А. Громико худди шу куни Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Х. Тревельянга ва Германия Федератив Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Г. Наупертга ана шу мазмундаги ноталарни топширди.

* * *

СССР Ташқи ишлар министрлиги 8 апрелда Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотасининг копияларини Шимолий Атлантик пактида қатнашувчи бошқа мамлакатлар — Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Исландия, Туркия, Греция, Канада ҳукуматларига ҳам юборди. (ТАСС).

Қалбларда ҳам, созларда ҳам баҳор..

А. Тўраев фотоэтюди.

ФУТБОЛ

Тўп урувчи борми?

«Қайрат», «Пахтакор»... Футбол майдонидаги бу эски рақибларнинг учрашуви ҳаммавақт ишқибозларни ғоят қизиқтиради, кескин нураш билан ўтади. Рақиблар «Б» классида, ундан кейин эса «А» классида ҳамма ерда 12 марта ўзаро учрашишган. Бу учрашувлардан тўрттасини «Пахтакор», 6 тасини эса «Қайрат» ютган. Икки ўйин дуранг билан тугаган. Тўпларнинг умумий ҳисоби ҳам қозоқ футболчилари фойдасига 19—17 бўлган.

Навбатдаги 13-учрашувга командалар алоҳида тайёргарлик кўришди. Бу матчга бўлган қизиқиш шу қадар ортиб кетган эдики, 30 минг ўринлик стадионга 70 мингдан ортиқ ишқибоздан билетга заказ тушибди. Бир кун аввал тинмай қуйган ва бутун матч давомида шивалаб ёғиб турган ёмғир ишқибозларнинг қизиқишини заррача сусайтирмади.

Футболчилар майдонда гоҳ «сирғанчиқ отишар», гоҳ ботқоқдан чиқишолмай қоларди. Тўғри, тошкентликлар учун ноқулай бўлган бундай шароит «Қайрат»га ўнг келди. Лекин мағлубият сабабини фақат об-ҳавога қўйиш ўринлими? Йўқ.

Ҳамма бало пахтакорчилар қўллаган тактиканинг нотўғрилигидадир. Команда майдонга тушган замоноқ тошкентликларнинг ҳужум линиясини кучсизлантириш ҳисобига ҳимояга асосий эътибор берганлигини сезиш қийин эмасди. Кўнлар (пахтакорчилар) составида бўлган уч ҳужумчи (Малиновский, Красницкий, Беляков) ҳам нўп ҳолларда ҳимоя ишига «аралашиб» юришди. Иккинчидан, командамиз шароитни ҳисобга олиб ўйнамади Ёғингарчилик дуч келган жойдан дарвозани ўққа тутишни, тўпни узоққа оширишни тақозо қилади Пахтакорчилар, бунинг аксича майдон ўртасида ўралашиб қолиб, тўпни қисқа-қисқа оширишар, рақиблар штраф майдонига киролмай ҳужумлари пучга чиқарди.

Матчнинг бошида майдон эгалари қўллаган шиддатли штурм меҳмонларни шошириб қўйди. «Қайрат»га ғалаба келтирган ҳам ана шу ғайрат, шижоат самараси бўлди. 18-минутда «қаровсиз қолган» ярим ҳимоячи Л. Остроушконинг яқин жойдан зарб билан урган тўпи мўлжалга борди. Олмаоталиклар яна бир неча марта хавфли ҳолатлар вужудга келтирдилар. Кетма-кет бурчакдан урилган тўпларни, марказий ҳужумчи Свешниковнинг Пшеничников билан юзма-юз келиб қолганлигини эсланг-а.

Хўш, «Пахтакор»чи? Ҳамшаҳарларимиз «Қайрат» дарвозабони Лисицинни бирон марта ҳам ташвишга сололмадилар. Ярим ҳимоячи ва ҳужумчиларимиз тўпни астойдил талашмай, бир-бирларига аниқ оширолмай ўйнадилар.

«Пахтакор»нинг мағлубиятини команда ветерани Идгай Тазетдинов стадиондан қайтаётганда жуда тўғри баҳолади: «Жисмоний ниҳатдан, техник маҳорат жиҳатдан рақибларимиздан ҳеч қандай камчилигимиз йўқ. Фақат ғалаба учун астойдил интилиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан, тиришиб ўйнамадик».

Чемпионатнинг уч тури ўтди. Ҳали формага киролмадик, дейдиган баҳоналарга ўрин қолмади. Ишқибозлар «Пахтакор»нинг мастерларга хос ўйинини кўрганича йўқ. Ҳужумчилар мутлақо талабга жавоб бермаяпти. Улар гол урадиган бутсиларини қачон кийишаркин?

С. МУСАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Олмаота шаҳри.

* * *

10 апрелда футбол бўйича мамлакат чемпионатида учинчи давра ўйинлари бўлиб ўтди.

Ереваннинг «Арарат» командаси 2:1 ҳисоби билан «Крилья Советов» (Куйбишев) командасини ютди.

Кутаиси торпедачилари билан Ленинград «Зенит» ўртасидаги ўйинда ҳисоб очилмади.

«Авангард» (Харьков) ва «Локомотив» (Москва) 0:0 ҳисобида ўйинни дуранг қилдилар.

Тбилиси динамочилари 1:0 ҳисоби билан Москванинг «Торпедо» командаси устидан ғалаба қозондилар.

«Молдова» ва «Динамо» (Минск) футболчиларининг учрашуви 0:0 ҳисоби билан тугади.

Москва динамочилари Боку «Нефтяник» командасини 2:0 ҳисоби билан ютдилар.

Киев динамочилари Москва спартакчилари устидан 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

Армия спорт клубининг футболчилари (Ростов-Дон) ўз меҳмонларн — Ленинград динамочиларини 4:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар.

«Шахтёр» (Донецк) Армия Марказий спорт клуби командасига 0:3 ҳисоби билан ютқазиб қўйди.

Қўшни республикаларга чуқур мазмунли ахборот бериб турайлик

10 апрелда Тошкентда Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон телеграф агентликлари журналистларининг беш кун давом этган семинари тамом бўлди. Бу семинар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари асосида беш агентликнинг фаолияти проблемаларига бағишланди. Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги томонидан уюштирилган ижодий учрашувда Урта Осиё иқтисодий районининг ҳаётини биргаликда ёритиш, қардош республикалар агентликларининг бир бирларига ахборот бериб туришини кучайтириш зарур эканлиги таъкидланди.

Қирғизистон телеграф агентлигининг редактори П. Бухаров, Узбекистон телеграф агентлиги таржима бюросининг мудири Я. Йўлдошев, Тожикистон телеграф агентлигининг редактори Д. Черниш, Туркманистон телеграф агентлигининг редактори И. Рогачев, Узбекистон телеграф агентлигининг директори Қ. Узоқов ва учрашувнинг бошқа қатнашчилари ижодий тажрибалари ҳақида сўзладилар.

ТАСС иттифоқ информацияси бош редакторининг ўринбосари Е. М. Фадеичев, ТАСС фотохроникасининг бош редактори Н. В. Кузовкин, ТАСС редактори И. Д. Денисов журналистлар семинарига раҳбарлик қилдилар.

ТАСС Бош директорининг ўринбосари Б. Н. Хатунцев семинарга якун ясаб, республика агентликлари ўртасида ахборотларни бевосита айирбошлаш билан бирга қўшни республикалардан олинадиган хабарлар ТАССнинг янги — Урта Осиё вестнигида тарқатилади, деди.

Семинарда Урта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г. В. Зубарев нутқ сўзлади. Уртоқ Зубарев Урта Осиё иқтисодий районининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди. (УзТАГ).

„Тошкент ҳақиқати“ газетхонлари конференцияси

Яқинда Бўкада «Тошкент ҳақиқати» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари ўртоқ И. Сулаймонов газетанинг фаолияти ҳақида ахборот берди.

Сўзга чиққан ўртоқлар газетанинг ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирдилар.

— Бизнинг бўлимдаги ишчиларнинг деярлиқ ҳаммаси, — деди ўз сўзида «Писиент» совхози 4-бўлими партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Омонтоев, — область газетасига обуна бўлишган. Ундаги ҳар бир хабар ва мақолани зўр қизиқиш билан ўқишмоқдалар. Айниқса биз газетанинг илғорлар тажрибасини ёритиш соҳасидаги ишларидан мамнунмиз. Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг мақолалари ҳам газетада ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Бу яхши. Бундан кейин ҳам ана шундай мақолаларни тез-тез уюштириб туришни истар эдим.

«Бўка» совхози партия ташкилотининг секретари А. Солиев, Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари А. А. Варасов, «Пахтакорлар овози» газетасининг редактори А. Саматов ва бошқа ўртоқлар сўзга қониб илғор пахтакорлар ва чорвадорларнинг сермазмун ҳаёти ҳақида кўплаб, очерк, зарисовкалар беришга редакция ходимларининг эътиборини жалб қилдилар.

Сўзга чиққан нўп ўртоқлар совет қишларининг маънавий қиёфасини кўрсатадиган материалларни системали равишда бериб бориш истагини билдирдилар. Шунингдек мактаб-маориф, қишлоқ маданиятига оид материалларга газетада кўпроқ ўрин бериш катта аҳамиятли эга эканлиги ҳақида ҳам кўпгина фикрлар айтилди.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ТОҒНИ УРСА ТАЛҚОН ҚИЛАДИ-Ю...

Ҳа, Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхози территориясида яшаб келган Баймоқ Қурбонов тоғни урса талқон қиладиган забардаст киши. Лекин афсуски, у узоқ йиллар ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб келди. Шахсиятпарастликка берилиб кетди. Давлат еридан текин фойдаланиб, экилардан яхшигина ҳосил олди. Турли нопок йўллар билан шахсий бойлик орттирди. Унинг 30 бошдан кўп чорва моли, шу жумладан бир от, икки сигир, икки ҳўкиз ва ўнлаб қўй-эчкиси бор эди.

Хўш, Қурбонов буларни қандай қилиб орттирди? Совхознинг биринчи бўлими ишчилари йиғилиш ўтказганда пайтда ана шу саволни ўртага ташладилар. Ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин тоблаб келган Қурбонов бу саволга жавоб беролмади. У халқнинг юзига қаролмай кўзларини ерга тикканича ўтирарди.

Б. Қурбонов бир неча марта огоҳлантирилган бўлишига қарамай текинхўрлик йўлидан қайтмади, кўпчилик фикри билан ҳисоблашмади. Ҳарна бўлса ҳам бойлик орттирсам бас, деб юраверди. Шунинг учун ҳам халқ ва давлатга заррача нафи тегмаётган бу текинхўрни мажбурий равишда меҳнатга тортиш керак деган қарорга келди йиғилиш қатнашчилари.

Шундай қилиб, йиғилиш қатнашчиларининг қарори билан ишламай тишлаб, текин бойлик орттириб келган. Б. Қурбонов 3 йил муддатга мажбурий меҳнатга тортиш шарти билан бадарға қилишга, текин йўл билан орттирган чорва молларини эса давлат фойдасига мусодара қилишга қарор қилинди.

Жамоатчиликнинг бу адолатли қарори ижро этилди.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Стабилизатор борми?

Тошкент шаҳридаги маданий моллар билан савдо қилувчи магазинларнинг бирида қиқинда кизиқ воқеанинг устидан чиқиб қолдик.

— Ахир телевизор сотгандан кейин унинг стабилизаторини ҳам бирга қўшиб сотиш керак-да, — дерди бўғилиб харидор.

— Бизда стабилизатор бўлмайди дедимку, яна гапни айлантирасиз-а, — деб жавоб қайтарди сотувчи харидорга бир хўмрайиб...

Бўлаётган бу можарога аччагина одам ҳам йиғилди. Шунда йиғилган одамлардан бири ҳалиги телевизор олган кишини бир чеккага чақириб, деди:

— Биродар, мен сизга айтсам стабилизатор олмоқчи бўлсангиз магазиндан қидириб, вақтингизни бекорга кетказманг. Яхшиси, тўппа-тўғри Чуқурсой бозорига боринг. Унни кўриб, бирни оласиз.

Телевизор олган киши тўппа-тўғри Чуқурсой бозорига йўл олди ва 60 сўмга чайқовчилардан стабилизатор сотиб олди..

Қизиқ, магазинларда йўқ-у, бозордаги ноинсоф савдогарлар қўлида бор?!

Магнитофон олган кишиларнинг ҳам фиғони фалакка чиқмоқда. Чунки магнитофоннинг «юраги» ҳисобланган унинг ленталарини ҳам шаҳар магазинларидан ойдаб қидиришга тўғри келмоқда. Натижада магнитофонлар ишламай, чанг босиб ётибди...

Стабилизатор ва магнитофон лента-лари маданий-моллар магазинларида қачон сотилишини «Ташхозкультторг» раҳбарлари айтиб беришолмас-микин?

Р. ТОЛАЕВ,
А. АББОСОВ.

Совет Иттифоқи шашкачиларининг мусобақаси

МИНСК, 9 апрель. (ЎзТАГ махсус мухбири). Рус шашкаси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги ярим финалининг тўртинчи давраси бўлди. Тошкентлик мастер Канишчикер турнир жадвалига ғалаба очкосини ёзди. У Эстония шашкачиси Яхуни ютди.

Грязнов билан Рист (Эстония), Хейф билан Медведев (Озарбайжон) ва Борухов билан Гаркович (Белоруссия) ўртасидаги учрашувлар дуранг бўлди. Эсонбоев Меламедга (Латвия) ютқазди.

Тўрт даврадан кейин Канишчикер ва Грязнов 2,5 тадан очкога, Борухов 2 очкога, Хейф ва Эсонбоев 1,5 тадан очкога эга.

Мусобақа давом этмоқда.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида ва областида ҳаво ўзгариб туради. Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, областда эса вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Эрталаб Тошкентда 15—17, областда 12—17, кундузи Тошкентда 27—29, областда 25—29 даража иссиқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 АПРЕЛДА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Космик давр болалари** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **В. И. Ленининг «Апрель тезислари»**, 19.05 — **«Ленинизм» колхозининг даромади янада ортади** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.25 — **Қуёшга ошиқман** (Ҳ. Шарипов поэмаси асосида), 20.00 — **Минг старт** (очерк).

Рус тилида: 20.30 — **Космонавтика йўли**, 20.50 — **Гимнастика бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари** (ҳужжатли фильм), 21.10 — **Демьян Бедний** туғилган кунинг 80 йиллиги, 21.40 — **Телевизион янгиликлар**.

21.55 — **Катта концерт** (ўзбек ва рус тилларида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Флория Тосна**, 13/IV да **Шоир қалби** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Олов**, 13/IV да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Тошболта ошиқ**, 13/IV да **Алпомиш**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12. 13, 14/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари**.

КИНО

Жунгли ўт ичида — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Шамол энсанг, бўрон унар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Асп билан юриш — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда).

Капитан Лой туши — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Танца кечаси — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Вена қизлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр (1 серия) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 яримда).

Жодугар қизи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ АТТРАКЦИОН

Анатолий Сокол

ўз ёрдамчиси — ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК КИШИ «РОБОТ» билан.

Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КАЛИНИН РАЙОН МАТЛУБОТ СОЮЗИНИНГ

район универмаги

13, 14 апрелда БАҲОР-ЕЗ МАВСУМИГА ҳар хил гул ва рангда

ИП ГАЗЛАМАЛАР СОТИШ ВИСТАВКАСИ

ўтказади.

Универмагнинг адреси: Оржоникидзе посёлкаси (1, 2, 16, 78-автобусларнинг «Луначарский маркази» остановкаси).

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПИШЧЕТОРГИ

ташкилот, муассаса ва колхозларга прейскурант нархида биринчи категория

ЖУТ ҚОПЛАР СОТАДИ

(10000 дона)

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Вилоят ҳақиқати кўчаси, 62-уй, телефон 4-38-41, 4-37-41.

ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ВА БИРЛАШГАН НАШРИЁТНИНГ

КОММУТАТОР ТЕЛЕФОНЛАРИ

3.02-49 дан 3.02-58 гача.

Калинин район, Калинин қишлоқ Советидаги «Коммунизм» колхозида турувчи **Абдуғани Сиддиқовнинг** шу ерда турувчи Маъсуда Сиддиқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Чигатой кўчаси, Хуррият проезд, 6-тупик, 12-уйда турувчи **Абдулкабир Тўлагановнинг** шу тупикдаги 5-уйда турувчи Муяссар Жўраевна Тўлагановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ТОШКЕНТ ДУШАНБАНИ КЎРАДИ

Фрунзе телевидение студиясининг диакторларини Тошкентдаги мовий экранларда тез-тез кўриб туриш мумкин. Қирғизистонлик ҳамкасбларнинг чиқишига яқинда душанбалик диакторлар ҳам қўшилади. СССР Алоқа министрлигига қарашли Бутуниттифоқ давлат лойиҳалаш институтининг Тошкент бўлими лойиҳа қилган радиорелье линияси қардош республикаларнинг пойтахтлари ўртасида программаларни доимий айирбошлаб туришга имкон беради.

— Барқарор алоқани таъминлаш учун, — деди лойиҳанинг бош инженери С. В. Голофеев, — биз нучайтириш коэффициенти катта бўлган антеннанинг янги типини ишлаб чиқдик. Бу антенна тоғлардаги ретрансляция станциялари ўртасидаги масофани 110 километргача етказиш имконини беради.

Баланд тоғли станциялардан ҳар қайсиси посёлка билан осма канат йўли орқали боғланган бўлади. Бу тадбир линияда хизмат қилувчи техника ходимларини денгиз сатҳидан 2-4 минг метр баландликдаги абадий қорлар орасида мажбуран қишлаб қолишдан халос қилишга имкон беради.

Радиорелье линияси қурилиши бу йил бошланди. Душанба ва Тошкент телестудияларининг биринчи марта 1964 йилда ўз программаларини айирбошлашлари мумкин бўлади. Трансляциялар орасидаги танаффус вақтларида линиядан видео телефон алоқасини ташкил этиш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

(УзТАГ).

ҚОҲИРАДА УЧ ТОМОНЛАМА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МУЗОКАРАЛАРДА

ҚОҲИРА, 9 апрель. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ ва Сурия ўртасида федератив иттифоқ тузиш тўғрисидаги масала юзасидан уч томонлама олиб борилаётган музокараларда кеча беш соат давом этган мажлисдан кейин, Бирлашган Араб Республикаси ижроия кенгашининг раиси Али Сабрий музокара қатнашчилари федерал бирликнинг асослари хусусида принцип жиҳатидан келишиб олдилар, деди.

Али Сабрий сўнгги икки кун ичида давом этган музокаралар вақтида «Уч делегация ўртасида ҳозиргача келишиб олинган принциплар асосида иттифоқ тузиш проектини ишлаб чиқиш учун уч томоннинг вакилларидан иборат комитет тайинлашга қарор қилинди», — деб таъкидлади. У, илова қилиб айтдики тузиладиган комитет лойиҳалаштирилаётган федерал давлат миллий хартиясининг проектини узил-кесил таҳриридан чиқаради. «бирлашиш тарафдори бўлган ҳамма революцион кучлар ана шу хартияга амал қилади».

ФИТНА ФОШ ҚИЛИНДИ

ЛОМЕ, 10 апрель. (ТАСС). Ломе радиоси ҳукуматга қарши фитнанинг фош қилинганлиги тўғрисида Того муваққат ҳукумати канцелариясининг ахборотини эшиттирди.

Бир неча кун илгари, дейилади ахборотда Грюницкий ҳукуматига қарши фитна тайёрланаётганлиги ҳақида давлат хавфсизлиги хизмати хабар берган эди. Фитначилар муваққат ҳукуматни ағдариб ташлашмоқчи ва унинг аъзоларини қамоққа олмоқчи ёки ўлдирмоқчи бўлганлар. Фитна очиб ташланди, фош қилувчи ҳужжатлар топилди. «Того бирлиги партияси»нинг бир неча раҳбари, шу жумладан давлат хизматлари министри Кутуклюи қамоққа олинди. Суд органлари ва жандармерия ҳозир текшириш ишлари билан шуғулланмоқда.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ КУРАШ

ИТАЛИЯ ДЕНГИЗЧИЛАРИ КУРАШМОҚДАЛАР

РИМ. Генуяда бир неча йирик океан кемалари, шу жумладан «Ллойд Триестино» компаниясининг флагман кемаси «Галилео Галилей» экипажлари иш ташладилар.

«Галилео Галилей» кемасида забастовка айниқса кескин тус олди. Бу кеманинг капитани Каорси иш ташловчиларни ишдан бўшатаман, деб таҳдид қилиб, «тартибсизликни ўн минут ичида тўхтатиш»ни талаб этди. Каорси 1959 йилда, Италия савдо флоти узоқ даврдан этган забастовка кураши натижасида изидан чиқиб қолган пайтларда қилган ёвузликлари билан матрослар орасида ёмон ном чиқарган. Каорси айни вақтда ўз ёрдамчисига «ғалаёнчилар»нинг ҳаммасини судга бериш учун уларнинг рўйхатини тузишни буюрди.

Капитаннинг қайсарлиги денгизчиларни қаттиқ ғазаблантирди. Экипажнинг шу вақтгача тараддудланиб турган аъзолари ҳам дарҳол забастовкага қўшилдилар. Капитаннинг ёрдамчиси ҳам уларни қўллаб-қувватлади. Капитан ёрдамчиси иш ташловчиларнинг «қора рўйхати»ни тузишдан бош тортди.

ИРЛАНДИЯ АВТОБУСЧИЛАРИ ИШ ТАШЛАДИЛАР

ЛОНДОН. Ирландия Республикасининг барча автобуслари санкизинчи апрель эрта билан гаражларда қолди. Ярим кечада автобус транспорти ходимларининг умуммиллий забастовкаси бошланди. Улар маъмурларнинг меҳнат шароитини ёмонлаштириш ва транспорт ходимлари ўртасида ишсизликни авж олдириш билан таҳдид қилувчи бир қанча тадбирлар кўриш ҳақидаги қарорига қатъий норозилик билдирмоқдалар. Иш ташловчилар пенсиялар миқдорининг ва касаллик юзасидан бериладиган нафақаларнинг кўпайтирилишини ҳам талаб қилмоқдалар.

ПУЧ ХАЁЛ

ГААГА. Голландия қўмир шахталарида ишлаш учун ёлланган испан шахтёрлари икки ҳафтадан буён иш ташламоқдалар. Испаниялик бир неча юз ишсиз қуруқ ваъдаларга ишониб, яқинда Голландияга келган эди. Аммо, чет эл ишчиларига яхши шароит яратиб бериш учун қилинган ваъдалар бажарилмади. Испан ишчиларининг кўпчилиги ишдан бўшатиш тўғрисида таҳдид қилинаётганлигига қарамай, ишларини тўхтатди. Забастовкада 350 га яқин киши қатнашмоқда.

„ЭРКИН ДУНЁ“НИНГ ҚИЁФАСИ



Четэллик туристлар Нью-Йоркча гидлар машҳур биржа фондини, Озодлик монументини, Уолл-стрит ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўрсатишади.

Камбағаллар яшайдиган Бауэри таклиф қилишмайди. Бу ерда ишсиз Уларнинг борадиган жойи ҳам, иш районига эса туристларни сира ҳам кишилар йўл ёқаларида ухлашади. топиш умиди ҳам йўқ.

Пресс Латин — ТАСС фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 12 АПРЕЛЬ, 1963 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 2-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва саноат қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06837. ИНДЕКС 64695 А. 1570.